



Ислом Нури

Ўнинчи асос:

“Аҳлуссунна вал-жамоа”нинг бидъат ва нафс-хаво аҳлига муносабати

“Аҳлуссунна вал-жамоа” эътқодининг асосларидан бири — улар динда ундан бўлмаган нарсаларни пайдо қилган кишилардан нафратланиш, уларни яхши кўрмаслик, сўзларини эшитмаслик, улар билан дўстлашмаслик, бирга ўтирмаслик ва бахс қилмаслик, уларнинг ботил сўзларини эшитишдан кулоқларни эҳтиёт қилиш, уларнинг ахволлари ва ёмонликларини баён қилиш, улардан умматни огохлантириб, одамларни нафратлантириш керак, деб билишларидир.

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Мендан аввал юборилган барча пайгамбарнинг ўз уммати ичида унинг суннатини ушлаб, амрларига эргашадиган хаворий — издошлари ва асхоблари бўлган. Улардан сўнг эса, қилмайдиган нарсаларини сўзлайдиган ва буюрилмаган нарсаларни қиладиган «Хулуф»лар – ёмон кишилар келади. Уларни кўли билан қайтариб жиход қилган киши — мўъминдир. Уларга қарши тили билан жиход қилган одам — мўъминдир. Уларга қалби билан жиход қилган (яъни, ҳеч бўлмаганда дилида уларни ёмон кўрган) одам — мўъминдир. Булардан бошқа ҳолатларда хардал (хардал-горчица)нинг уругича ҳам иймон йўқ”. (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунани Аби Довуд”)

“Умматининг охирида сизларга сизлар ва оталарингиз эшитмаган сўзларни сўзлайдиган одамлар чиқади. Ўзингизни улардан, уларни ўзингиздан узок тутинг!” (Имом Муслим ривояти).

“Аҳлуссунна вал-жамоа” бидъатга: “Бидъат — пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг вафотидан ва дин қомил бўлганидан сўнг дин кўринишида пайдо бўлган, қилиш учун Куръон ва



Ислом Нури

суннатда бирон бир далили бўлмаган ёки динда Аллох таолога якин бўлиш ёки ибодат килиш мақсадида шариатга ўхшаш йўллар билан чиқарилган барча янгиликлардир. Шунинг учун ҳам бидъат суннатнинг муқобилидир. Бирок суннат хидоят, бидъат эса залолатдир” — деб таърифлайдилар.

Бидъат, уларнинг наздида, бидъат комил тавҳидга қаршилик қилади. У ширк василаларидан биридир, яъни Аллох таолога У маршруъ қилмаган нарсалар билан ибодат килишдир. Василалар эса мақсадлар ҳукмидадир. Аллох таолога ибодат килишда ширкка ёки динда янгиликка олиб борадиган ҳар қандай нарсанинг йўли тўсилиши керак. Чунки дин комил бўлгандир. Аллох таоло деди: **“Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуксон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (факат) Исломни дин қилиб танладим.”** (Моида: 3).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Ким бизнинг шу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у (иш) рад қилингандир” (Муттафакун алайх).

“Сўзнинг яхшироғи Аллохнинг Китоби, йўлнинг яхшироғи Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи (динда) янги пайдо бўлганларидир. Ва барча бидъат залолатдир” (Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Бидъатлар бир хил даражада эмас, бир-биридан фаркли бир неча турлидир. Уларнинг баъзилари диндан чиқарар, баъзилари эса чиқармас, баъзилари катта гуноҳлар, баъзилари эса кичик гуноҳлар қаторидадир. Бирок, уларнинг барчаси залолат эканида муштрақдир. Куллий (асосий) бидъатлар жузъий



Ислом Нури

бидъатлар каби, оддий бидъатлар мураккаб бидъатлар каби, хакикийлари кейин кўшилганлари каби ўз жинси ва ҳукмларида бир хил эмасдир” — деб айтадилар.

Бундан ташқари бидъатлар ўз ҳукмида ҳам фаркли: бириси куфр ва бириси фикс бўлганидек, уни қилган кишиларнинг ҳукмлари ҳам фарқлидир. Шунинг учун ҳам “ахлуссунна вал-жамоа” бидъатчилар устидан бир хил ҳукм қилмайдилар. Балки, қилган бидъатларига қараб турли шахсларга турлича ҳукм қилади. Зеро, жохил ва таъвилчи қилаётган бидъатини билиб қилган киши каби эмас, мужтахид олим эса ўз бидъатига даъват этаётган ва нафс-хавосига эргашган олим каби эмасдир. “Ахлуссунна вал-жамоа” бидъатини ошқор қилиб, унга даъват этаётган кишиларга ўз бидъатини пинхона қилаётган кишиларга қилган муомалаларини қилмайдилар. Чунки бидъатга даъват этаётган кишининг зарари бошқаларга ҳам таъсир қилади. Шунинг учун ҳам уни тўхтатиш, қилган ишларини очиб ташлаш ва бидъатларидан тийилиши учун уни жазолаш керак. Чунки у гуноҳ (мункар) ишни ошқора қилди ва жазога лойик бўлди.

Мазкур сабабларга кўра, “ахлуссунна вал-жамоа” ҳар бир бидъатчига ўзига хос муомала қилади. Бидъатчилар ва уларга таклид қилган кишиларнинг барчасига Аллоҳ таолодан хидоят сўраб дуо қиладилар. Уларга суннат ва хидоятда бўлишларини тилайдилар. Қилган ишлари хато эканини тавба қилишлари учун тушунтирадилар. Қилган ишлари куфр бўлмаса зохирларига қараб ҳукм қилиб, ички дунёларини Аллоҳга хавола қиладилар.

Бидъат ва нафс-хаво ахлининг белгилари

Нафс-хавосига берилган ва бидъатчи кимсаларнинг уларда зухур этиб



Ислом Нури

турадиган ва таниладиган белгилари бор. Ислом умматини огохлантириш ва бидъатчиларнинг йўлларига юриб кетишдан қайтариш учун улар ҳақида Аллоҳ таоло Ўз Китобида ва Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз суннатларида хабар берди.

Уларнинг белгиларидан баъзилари қуйидагилар:

Шариат максадларини билмаслик, таркоклик, жамоатдан узок бўлиш, бахс-жанжал қилиш, хавосига эргашиш, аклни нақлга муқаддам қўйиш, суннатни билмаслик, муташобих — ҳақиқатини билиш имкони йўқ бўлган оятлар ҳақида бахсларга берилиш, суннатни Куръонга қарши қўйиш, шахсларни улуглашда ва ибодатда гулув кетиш, ўзни кофирларга ўхшатиш, суннат аҳлига турли лақаблар қўйиш, салаф йўлида юрган кишиларни ёмон кўриш ва уларни расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарларини келтирган кишиларга душман бўлиш ва уларни енгил санаш. Ўзларига муҳолиф бўлган одамларни далилсиз кофир ҳисоблаш. Ҳақгўй кишиларга қарши ҳокимлар ва султонлардан ёрдам сўраш.

“Ахлуссунна вал-жамоа” бидъатчиларнинг асосийлари тўртта деб билдилар. Улар: рофиза-шиалар, хаворижлар, қадарийялар ва муржиалардир. Булардан қўплаб фиркалар ажралиб чикди ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, етмиш икки гуруҳга етиб бордилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг бидъатчи ва нафс-хаволарига эргашган кишиларга раддия беришда яхши саъй-ҳаракатлари бор. Уларнинг булар ҳақида айтган сўзлари қўп бўлиб, биз қуйида мисол тарикасида улардан баъзиларини келтирамиз.



Ислом Нури

Имом Ахмад ибн Синан ал-Каттон раҳимахуллох деди: “Дунёда қайси бидъатчи бўлмасин ҳадис аҳлини ёмон кўради. Бидъат ишларни қилгувчи кимсанинг калбидан ҳадиснинг ҳаловати кетади”

Имом Абу Хотим ал-Ханзалий ар-Розий раҳимахуллох деди: “Бидъатчиларнинг белгиси — ҳадис аҳлини айблаб гийбат қилиб юриш, зиндикларнинг белгиси — ҳадис аҳлини салафлардан келган хабарларни бекор қилган “хашавийлар” деб аташлари, жаҳмийларнинг белгиси — салаф йўлида юрган кишиларни “мушаббихалар” (Аллохни махлукларга ўхшатувчилар) деб, қадарийларнинг белгиси — салаф йўлида юрган кишиларни “мужаббиралар” деб, муржиаларнинг белгиси — салаф йўлида юрган кишиларни “муҳолифа”, нуксонийя” деб, рофизаларнинг белгиси — салаф йўлида юрган кишиларни “носибалар” деб аташларидир. “Ахлуссунна”нинг бир исми бор. “Ахлуссунна”ни юқоридаги барча номлар билан номлаш хато, балки маҳолдир»

Макка шаҳрдаги ибн Катлага ҳадис аҳлини эслатилса, у: “Ҳадис аҳли ёмон одамлар” — деб айтибди” дейилганида Имом Ахмад ибн Ханбал раҳимахуллох: “у — зиндикдир, у — зиндикдир, у — зиндикдир” — деб, қўлларини силтаб уйларига кириб кетдилар”

Аллох таоло ҳадис аҳлини ва “ахлуссунна”ни уларга нисбат берилган барча айблардан химоя қилди. Улар расулуллох соллалоху алайхи ва салламнинг йўллари бўлмиш улуг суннат, макбул сийрат, тўғри йўл, қучли ва етук ҳужжат соҳибларидир. Аллох таоло уларни Ўзининг Китоби ва расули соллалоху алайхи ва салламнинг суннатларига эргашиш, расулуллох соллалоху алайхи ва саллам ва дин имомлари ҳамда Ислом йўлида ҳаракат қилган уммат олимларини яхши кўришга муваффақ қилди. Расулуллох соллалоху алайхи ва саллам: “Киши ўзи



Ислом Нури

яхши кўрган кавм билан биргадир” — деб хабар берганларидек, ким кимни яхши кўрса у билан биргадир.

Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам, умматнинг дастлабки уч авлоди хидоят имомлари, шариат олимлари, мухаддислар, салафлар бўлмиш саҳобалар, тобиинлар, таъба-тобиинларни яхши кўрган ва уларга бизнинг кунимизга қадар эргашган киши “ахлуссунна” яъни, суннат соҳибидир.

Салаф уламоларининг бидъатчилардан эҳтиёт бўлиш ҳақидаги ўғитлари

- Амирулмўъминин Умар ибн Хаттоб разияллоху анху деди: “Якин кунда баъзи одамлар келиб сизлар билан Куръондаги ҳақиқатини билиш имконсиз оятлар билан баҳс қиладилар. Уларга суннат билан ҳужжатлар келтиринглар! Чунки суннат соҳиблари суннатни билувчирокдирлар” Имом Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамаати”. Ибн Батта: “ал-Ибана
- Такдирни инкор этган кишилар ҳақида берилган саволга Абдуллох ибн Умар разияллоху анху: “Агар уларни учратсанг уларга: “Абдуллох ибн Умар улардан, улар эса Абдуллох ибн Умардан безор эканини билдир” — деб уч марта такрорлади (Имом Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамаати”).
- Абдуллох ибн Аббос разияллоху анху деди: “Нафс-хавосига эргашган кишилар билан бирга ўтирма! Улар билан ўтириш калбни касал қилади” (Имом Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамаати”).
- Зоҳид ва олим Фузайл ибн Йёз раҳимахуллох деди: “Бидъатчидан динингга эҳтиёт бўл! У билан ўз ишларингда маслаҳат қилма ва бирга ўтирма! Бидъатчи билан бирга ўтирган кишининг калбини Аллох Таъоло кўр қилади” (Имом Лалкаий: “Шарху усули



Ислом Нури

- эътиқоди ахлиссуннати вал-жамаати”).
- Имом Абдуллох ибн Муборак раҳимахуллох деди: “Парвардигоро, бидътчига менга яхшилик килишни тақдир этмаки, калбим уни яхши кўриб колмасин!” (Имом Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамаати”).
 - Имом Хасан Басрий раҳимахуллох деди: “Аллох Таъоло нафс-хавосига эргашган кишининг тавба килишига изн бермади” (Имом Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамаати”).
 - Мўъминларнинг хадис бобидаги амири Суфён Саврий раҳимахуллох деди: “Бидъатчининг сўзларига бидъатчи эканини била туриб кулок солган одамдан Аллох Таъолонинг химояси кўтарилди ва ўз холига ташлаб кўйилди” (Ибн Ваддох: “ал-Бидаъ ван-Нахю анхо”).
 - Имом Авзой раҳимахуллох деди: “Бидъатчига бахс килиш имконини бермангиз! Чунки у калбингизда фитнаси оркали шубха пайдо килади” (Ибн Ваззох: “ал-Бидаъ ван-Нахю анхо”).
 - Мухаммад ибн Сийрийн раҳимахуллох бидъатдан огохлантириб деди: “Бир бидъатни пайдо килган киши бир суннатдан воз кечади” (Имом Муслим ривояти).
 - Имом Молик ибн Анас разияллоху анху деди: “Бидъатчига салом берилмайди ҳамда унга киз бериб, киз олинмайди” (Имом Молик: “ал-мадинатул-Мунаввара”).
 - Имом Шофий раҳимахуллох калом илми (аклий далилларни наклиий далиллар устига афзал кўриш) хакида сўзлаётган одамларни кўриб баралла: “Ё биз билан яхшиликча ўтирасизлар ёки ўрнингиздан туриб кетасизлар!” — дедилар. (Наср ибн Иброхим Макдсий: “Мухтасар китабил-хужжати ала таарикил-махажжати”).
 - Ахлуссуннанинг имоми Ахмад ибн Ханбал раҳимахуллох деди: “Бидъатчи ва нафс-хаволарига берилган кишилардан



Ислом Нури

мусулмонларнинг бирон ишида ёрдам сўралмайди. Чунки бунинг динга катта зарари бордир” (Ибн Жавзий: “Манакибул-имом Ахмад”).

“Бидъатларнинг барчасидан саклан! Бирон бидъатчи билан диний ишларинг хакида маслахат килма!” (Ибн жавзий: “Манакибул-имом Ахмад”).

- Имом Абдуррахмон ибн Махдий раҳимахуллох деди: “Нафс-хаволарига берилган кишилар ичида Жаҳмнинг сафдошларидан кўра ёмонрок одамлар йўқдир. Чунки улар: “Осмонда ҳеч ким йўқ” — деб айтадилар, Менинг раъйим Аллоҳга касамки, уларга киз ва мерос берилмаслигидир” (Абдуллох ибн имом Ахмад: “Китабус-сунна”).
- Абу Килоба Басрий раҳимахуллох деди: “Нафс-хавосига берилган кишилар билан бирга ўтирманглар! Гарчи улар кирган мавзуларга кирмасангиз-да, сизларни билган нарсаларингизда ҳам чалгитиб кўядилар” (Ибн Батта: “ал-Ибаана”).
- Айюб Сахтаёний раҳимахуллох деди: “Нафсу хаво ахли залолат ахлидир. Улар оқибатини дўзахдан бошқа нарса деб билмайман”. (Ибн Батта: “ал-Ибаана”).
- Козий Абу Юсуф раҳимахуллох: “Мен жаҳмий, рофизий (шиа) ва кадарийлар орқасида намоз ўқимайман” — дедилар. (Лалкаий: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамаати”).
- Шайхулислом Абу Усмон Исмоил Собуний раҳимахуллох деди: «Бидъатчиларнинг белгилари маълумдир. Улар ичида энг аниқ кўриниб турадигани, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан хабар олиб келган кишиларга душманлик килиш, уларни таҳкирлаш, “хашвийлар”, жохиллар, “зохирийлар” ва “мушаббихлар” — деб аташларидир. Сабаби улар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хабарлари хакида: Бу хабарлар илмдан узоқдир деб билишлари ва хакикий илм бу уларнинг



Ислом Нури

калбларига Шайтон ташлаётган, фосид акллари ўйлаб топган ҳамда қора калблари васваса қилган нарсалар деб эътиқод қилишларидир». (“Ақидатус-салаф ахлил-хадис”).

- Имом Шофий раҳимахуллох бидъатчи ва нафс-хаволарига эргашган кишилар ҳақидаги ҳукмини қўйидаги сўзлар билан ифодалади:

«Менинг калом ахллари ҳақидаги ҳукмим — уларни хурмо новдалари (аслида хурмонинг шоҳи ва новдаси бўлмади. Хурмонинг узун (1.5, 2 метрли) япроқлари бўлади, уни майда баргларидан тозаланса худди новда қаби бўлиб қолади) билан савалаш ва туяларга миндирилиб қабила ва уруглар ўртасида айлангириш ҳамда: “Қитоб ва суннатни ташлаб, каломга берилганларнинг жазоси шудир” — деб айтилишидир». (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

- Абу Муҳаммад ибн Масъуд ибн Фарроъ Бағавий деди: “Саҳобалар, тобиинлар, тобиинларга эргашганлар ва суннат олимлари бидъатчиларга нисбатан душманлик ва уларни тарқ қилиш эътиқодида ҳаётдан ўтдилар” (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).
- Имом Исмоил Собуний ўзининг бебаҳо қитоби “Ақидатус-салаф асхабил-хадис” (Салаф — хадис ахлининг эътиқоди) номли қитобида “ахлуссунна”нинг бидъатчиларни хорлаш ҳақидаги ижмоъ (иттифок) ларини нақл қилиб деди: “Қитобимнинг бу бўлимида келтирилган жумлалар салаф ўртасида ҳеч ҳилофсиз қилган эътиқодлари, балки, ижмоъларидир-ки, улар бидъатчиларни хорлаш, ҳўрлаш, уларни шарманда қилиш, узоклаштириш, улардан узок бўлиш ва уларни тарқ қилиш билан Аллоҳ Таъолога яқин бўлишга иттифок қилдилар”.

- Динда пайдо бўлган биринчи бидъат — намоз билан закот ўртасини



Ислом Нури

ажратиш ва: “Закот расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ўзигагина берилади” — деб даъво қилиш бўлган эди. Абу Бакр разияллоху анху буларга қарши жиход қилди ва уларни ишлари қучаймай туриб йўқ қилди. Агар буларни ўз холига қўйганларида эди уларнинг бу даъвоси ҳозирги қунимизгача дин бўлиб қолар эди.

Умар разияллоху анхунинг даврида эса баъзи кичик бидъатлар пайдо бўлди. Умар разияллоху анху ҳам уларни тағ-томири билан тугатдилар.

Усмон разияллоху анхунинг даврида эса катта фитналар бош қўтарди. У — ҳақ халифага қилич билан қарши чиқиш эди. Уларнинг бидъатлари Усмон разияллоху анхунинг ўлими билан тугалланди. Бу — бизнинг қунларимизга қадар етиб келган хаворижлар фитнасининг аввали эди. Кейин эса фитналар кетма-кет кела бошлади. Қадарийлар, муржиалар, рофизалар, ботинийлар, жаҳмийлар, зиндиклар ва Аллох таолонинг исм ва сифатларини инкор этган қўплаб адашган тоифалар — бидъатчилардир.

Бидъатлар пайдо бўлгани сайин “аҳлуссунна вал-жамоа” уларга қарши ҳозир нозир бўлдилар. Ҳақ ва ботил ўртасидаги қураш бизнинг қунларимизгача етиб келди ва қиёмат қунига қадар давом этади. “Аҳлуссунна вал-жамоа” ҳар замон ва ҳар маконда Қуръон, суннат ва умматнинг ижмоъси (иттифоқи) га зид бўлган барча сўз ва ишлар юзидан никобини очиқ ташлайди.

Имом Нававий: “ат-Тазкира”.

Розий: Китабу аслис-суннати ва эътиқодид-дин”.



Ислом Нури

Барбахорий: “Шархуссунна”.

Имом Бухорий ривояти.

Бидъатчининг оркасида намоз ўқиш:

Билинги, “аҳлуссунна” нинг бу масаладаги сўзларининг хулосаси куйидагича:

- Хакикий кофир ва муртаднинг оркасида намоз ўқиш жоиз эмас.
- Эътиқоди ва шахсияти номаълум бўлган одамлар оркасида намоз ўқишни тарк қилиш хақида бирон бир салаф олими сўз айтмади. (Бу сўзни айтиш битъатдир)
- Бидъатчининг оркасида намоз ўқишдан кайтариш аслида, унинг бидъатини ёмон кўрсатиш ва шу бидъатдан нафратлантириш учундир. Агар бидъатчининг оркасида намоз ўқилса, иктидо қилган одамнинг намози дурустдир.

Бидъатчиларга жаноза намозини ўқимаслик ва Аллохдан уларга раҳмат сўрамасликнинг ҳукми:

- Кофир, муртад ёки куфрга олиб борадиган бидъатни қилган эканига ҳужжат қойим бўлиб вафот этган кишиларнинг жанозаларини ўқиш ва уларга мағфират сўраш жоиз эмас. Бу ижмоъ қилинган масаладир.
- Гуноҳ ишни ёки диндан чиқармайдиган бидъатни қила туриб вафот этган кишиларнинг жаноза намозидан унинг қилган гуноҳи ва бидъатидан нафратлантириш учун имом (халифа ёки султон) ва эътиборли илм аҳлларининг иштирок этмасликлари яхшидир. Бу унга жаноза намозини ўқиш барча учун харом дегани эмас.



Балки, унга, модомики, жаханнамда мангу коладиган кофир
хукмида ўлмаган бўлса, жаноза намозини ўқиш фарз кифоядир.